

Мавзу: Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар.

Режа:

- 1. Мустақиллик йилларида илм-фанинг ривожланиши.**
- 2. Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичи**
- 3. Янги жамият қуришда таълим ва тарбиянинг ўрни ва роли.**
- 4. Ёшларга оид давлат сиёсатини таълим соҳасида амалга оширилиши.**



Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач дастлаб, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Каримов истиқлолнинг ilk кунларида мамлакатда “маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади” – деб белгилаб берди. Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди. Чунки, айнан таълим миллий давлатчиликни барпо этиш, маънавий уйғониш, иқтисодий юксалиш йўлида пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиб ўтишда одамларга мададкор бўлади”.

Таълим соҳасида давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу - маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказиш қатъий белгилаб олинди.

Таълим соҳасида ўтиш даврида умумий ва касб таълими сифатининг давлат стандартини, таълим соҳасида молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, таълим тузилмаларини ривожлантириш вазифаси биринчи ўринга чиқди.



Ўзбекистоннинг Биринчи Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-куватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги қарори асосида Республика олимлари хорижий мамлакатларга тажриба оширишга юборилиши йўлга қўйилди. Илмий натижаларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш билан шуғулланувчи Республика илмий ишланмаларни инновация тижорат маркази Фанлар академияси таркибида ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президентининг 1997 йил 11 ноябрдаги фармони билан Хоразм Маъмун академияси қайта тикланиб, Фанлар академиясининг минтақавий бўлинмаси сифатида ташкил этилди.

2000 йили Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг (хозирги Тошкент Давлат Шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райхон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари маркази) қўлёзмалар фонди дунёning энг бой қўлёзмалар хазинасидан бири сифатида ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилди.

2008 йилдан буён мамлакатимиз пойтахтида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасини ўтказиб келмоқда. 2008-2015 йиллар давомида ўтказилган I – VIII ярмаркалар доирасида жами 4000 дан ортиқ ишланмалар тақдим этилди. 2008 йилдан буён умумий қиймати 113 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 3000 дан зиёд шартномалар тузилди.

Ўзбекистон олимлари демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-маърифий ва маданий ривожланишини тадқиқ қилиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, энергетика ва энергия хом-ашёни тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши, ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация, кимё, био ва нанотехнологияларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш, тиббиёт, фармакология, геология, геофизика, сейсмология бўйича маълум ютуқларга эришиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга кирди. Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 август куни бўлиб ўтган IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Унга биноан таълимнинг янги тизими жорий этилди.

Жумладан, унинг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим қуидаги турларда амалга оширилиши белгилаб берилди: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.



2002 йили Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер ва Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетларининг, 2006 йили М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари, 2007 йили И.М. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, 2008 йили Сингапур менежментни ривожлантириш институти, 2009 йили Италиянинг Турин политехника ва 2014 йили Жанубий Кореянинг Инха университетларининг филиаллари ва бошқалар очилди.



ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИШИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ўқитиш тизимини янги босқичга кўтаришга имкон яратади.

Ушбу қарорларга кўра, умумий ўрта таълим тизимига қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларининг турлари белгиланди. Даволаш-профилактика масканларида стационар шароитда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларга бевосита муассасанинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ташкил этилади.



Олис аҳоли пунктларида яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг сифатли умумий ўрта таълим олишини таъминлаш мақсадида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори асосида умумтаълим масканларининг филиаллари ташкил этилиб, уларда ўқувчилар сони 100 нафаргача бўлади. Бошқа умумтаълим масканларига яқинлиги ҳамда моддий-техник базасидан келиб чиқиб, ўқувчилар сони 180 нафаргача бўлган умумтаълим муассасалари ҳам филиалларга айлантирилиши мумкин. Тегишли майдонга эга бўлган мактаблар синфларида ўқувчилар таркиби 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўйилмайди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “**Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида**”ги қарори қабул қилинди. Қарорда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юкори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустахкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилади.



Мамлакатимизда таълим тизимиning барча бўғинларида, жумладан, олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фани ривожлантириш, ўқитишининг замонавий шакл ҳамда технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Олий ва ўрта махсус, қасб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этишга оид қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этилди. Бугунги кунда унга ректоримиз профессор **Ў.П.Умрзаков** раислик қилиб келмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ТАЪЛИМ- ТАРБИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР



Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликтан қўрқмайдиган, қадрлайдиган, азму шижаатли, буюк халқмиз.





Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислоҳотлар натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оиласвий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилиди. 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказиш зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.





2019 йилда мутлақо янгила мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар қўн талаба ўқишига қабул

Тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этиши;

Бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилиши;

2020 йилги ўкув йилидан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилишини назарда тутилган

2020
йилда



Олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтири



Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади.





Педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.



Жорий йилда 10 та олий ўқув юрти ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлайди.



**2020 йилда математика, кимё-биология,
геология каби йўналишларда фундаментал ва
амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб,
олимларга барча шарт-шароитлар яратилади**



$$x_{i+1} - \left(\sum_{j=1}^i a_{ij} x_j^{(k)} + \sum_{j=i+1}^n a_{ij} x_j^{(k)} \right)$$
$$x_{i+1} - \left(\sum_{j=1}^i a_{ij} b_j + \sum_{j=i+1}^n a_{ij} x_j^{(k)} + \sum_{j=i+1}^n a_{ij} v dx_j \right)$$



“Рақамли Ўзбекистон – 2030”

Хозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқилди.**



Жамиятда тинчлик ва осойишталикини таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз корачиғидек асранг!” деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак.





2020 йилда халқимиз тарихининг дамларида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиқкан улуғ аллома ва жамоат арбоби **Махмудхўжа** Беҳбудийнинг **145** йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Шунингдек, буюк аллома **Баҳовуддин** **Нақшбанд** бобомизнинг **700** йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказилади.



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Мамлакатимизда ёшлар учун:

ёшларнинг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш учун етук ва масъул мутахассисларнинг сайёр қабулларини ташкил қилиб, зарур ёрдамлар кўрсатиш.

ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш,

Миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълим, илмий-маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарғиб қилиш, мобиъл интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиласиган миллий ўйинларни ташкил этиш,



ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш, нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирларни ташкил қилиш.

диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди.

“жисмонан соғлом, рухан ва ақлан ривожланган, мустакил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”, борасида катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда.



Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ баркамол, соғлом авлод тарбияси давлатимизнинг энг устувор вазифасига айланган Эди.



Маънавий баркамоллик ўз моҳияти билан ёшларнинг ички ва ташқи дунёси, иродасини иймон-эътиқодини, виждонини бакувват ва уйғоқ қилувчи барча ижтимоий маънавий омилларни ўз ичига олувчи ҳодиса ҳисобланади. Зеро, ёш авлоднинг тақдирини унинг маънавий камолоти билан ўлчанади.



Шунинг учун мазкур масала бугунги кунда нафақат таълим масканлари, балки жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот ҳамда соғлиқни сақлаш идораларининг бирламчи вазифаси бўлиб қолди.

Айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдирни ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлсада бизни таълим тизимида маънавий тарбия қай ахволдалиги қизиктиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами 35 та “Камолот” уйи қурилиши режалаштирилган бўлиб, 15 та уйда қурилиш ишлари бошланган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоятида 2 тадан, Бухоро, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида 3 тадан, Навоий, Самарқанд вилоятларида 1 тадан. Қолган уйлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда(*Давлат дастурининг 269-банди*).

Ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасаларида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” танловларини ташкил этиш бўйича Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан танловлар 2-босқичда ўтказилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда биринчи босқич таълим муассасаларида ўтказилмоқда(*Давлат дастурининг 270-банди*).



Birinchi tashabbus-yoshlar musiqa, rassomlik, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishini oshirish, o'z qobiliyatlarini namoyon qilishiga ko'maklashish

Madaniyat va san'at muassasalarida biddiyyat havaskorlik jamoalari, yoshlar klublari faoliyatini yo'lga qo'yish

Yoshlarning qiziqishlaridan kelib chiqib 1,5 mingta to'garak, musiqa va san'at mакtabalarida yangi sinflar tashkil etish



2017 йилда касб-хунар колледжларининг 456,8 мингдан зиёд битирувчиларини колледж-корхона-битирувчи-ҳоким, яъни тўрт томонлама шартнома орқали қарийб 221 мингта корхона ва ташкилотга амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлашиш учун бириттирилди. Бугунги кунда 206,3 минг корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташи ва кейинчалик ишга жойлашиши учун 393 минг нафар ёки 86% битирувчи ўртасида тўрт томонлама (колледж-битирувчи-корхона-ҳоким) шартномалар тузилди.

Ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги 34 мингдан зиёд битирувчиларимизнинг рўйхати шакллантирилди. Уларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги билимларини шакллантириш мақсадида, оддий тилда ва қулай шаклда тушунтирувчи (аниқ мисоллар билан) бизнесни бошлаш ва меҳнат қонунчилиги бўйича амалий ўқув курслари колледж ва академик лицейларда жорий этилади.



Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида олимлар, шоирлар, адабиётшунослар, бастакорлар, режиссёrlар ва актёр-актрисалар иштироқида маҳалла гузарларида, таълим муассасаларида ва корхона ташкилотларда жами 1 543 дан зиёд маънавий-маърифий, маданийтадбирлар, учрашувлар, давра сухбатлари ташкил этилди. Тадбирлар доирасида жами 306 586 нафардан зиёд аҳоли қамраб олинди, шундан 61% ини (187 017) ёшлар ташкил этди.



Ёшлар онгиға таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган ҳамкорликдаги семинар-тренинглар олий таълим муассасаларида 2017 йил 9-18 март кунларида ўтказилди. Семинар-тренингда жами 410дан ортиқ талаба иштироки таъминланди (*Давлат дастурининг 275-банди*).

Уюшмаган ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида маҳаллаларда 50 та замонавий спорт майдончasi барпо этилди. Улар ўртасида 1 460 та мусобақа ташкил этилиб, уларга 200 минг нафар ёшлар жалб этилди.




2017 йил Жиззах шаҳрида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Баркамол авлод-2017” спорт мусобақалари ўтказилади.

Мусобақаларни ўтказиш учун 3 та объект танлаб олинган (4 та спорт зали, 1 та стадион, 1 та манеж, 1та сузиш ҳавзаси, 1 та тенис корти).

Тадбирнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган “Сўғдиёна” универсал спорт мажмуаси тайёр ҳолга келтирилди. Тадбир иштирокчиларининг яшашлари учун 6 та объект (ўқувчи-талабалар тураг жойи), овқатланишлари учун 6 та объект (6 та таълим муассаса ошхоналари) тайёрланмокда. Иштирокчилар учун мусобақалардан бўш вактларда маданий ва маънавий тадбирлар ташкил этилиши Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 17 та ишчи гурӯҳ тузилиб, 8 та объектда доимий ишлаш учун штаб ташкил этилиб, масъул ходимлар бириткирилди (*Давлат дастурининг 281-банди*).



Бугунги кунга қадар бта ҳудудда (“Камолот” ҳаракатининг Фарғона вилояти Кенгashiда, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Савдо марказида, Андижон вилояти Андижон шаҳрида, Сурхондарё вилояти Шеробод ва Жарқўрғон туманларидағи Марказий бозор ҳудудида ҳамда Тошкент шаҳрида “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгashi биносида) “Камолот” китоб дўконлари ташкил этилди(*Давлат дастурининг 284-банди*).

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи “Ҳаёт қайифи” номли ҳужжатли фильмнинг сценарийси ишлаб чиқилиб, агентлик Бадиий кенгashi томонидан тасдиқланди. Ҳозирда суратга олиш ишларини бошлашга тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу билан бирга, “Ўзбеккино” агентлигининг тематик режасига турли соҳаларда меҳнат қилиб, халқимиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган шахслар (жумладан, Ҳусан Шарипов, Эдвард Ртвеладзе, Худойберди Тўхтабоев ва бошқалар) фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильмлар яратиш киритилган бўлиб, ҳозирги кунда сценарийларга буюртмалар берилган(*Давлат дастурининг 288-банди*).





Prezident tashabbusi bilan Hukumat rahbarlari, deputatlar, vazirlik, idora, tashkilot va muassasalar rahbarlari tomonidan o‘zlari o‘qigan ta’lim muassasalariga "Kitob hadyasi - Book challenge" aksiyasida **maktablarga 500 mingdan ortiq** kitoblar sovg‘a qilindi



Ўзбекистон
Республикаси Бош
вазири – А.Арипов

Ўзбекистон Республикаси Халқ
таълими вазири – Ш.Шерматов

Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги директори
– К.Алламжонов

Республика маънавият ва тарғибот маркази томонидан 8 та масъул ташкилот билан биргаликда мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга бўлган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган қўшма чора-тадбирлар дастури доиласида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий ва медиамаданиятни оширишга қаратилган жами 375 дан зиёд учрашувлар, давра сухбатлари, тренинглар викториналар, тушунтириш тадбирлари ўtkазилди. Тадбирлар доиласида 84 375 нафар иштирокчи қамраб олинди. Шундан 72,7% ини (61 340) ёшлар ташкил этди. Мазкур тадбирларнинг 84 таси республика ва маҳаллий ОАВларида ёритилди. Банд ижроси юзасидан матбуотда 20 га яқин мақолалар чоп эттирилди.



Бирок, 2020 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган ғояларнинг амалиётга тадбиқи таҳлил этилганда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Таълим тўғрисида”ги Қонуни тубдан янги қўринишда **2020 йил 23 сентябрда** имзоланиб, қабул қилинди. Қонунга мувофиқ, таълим турлари қуидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим;
- профессионал таълим;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим. Шунингдек, мазкур Қонун билан, 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги **Қонунлар ўз кучини йўқотди**.



Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.



Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириши, ёшларини чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириши борасида бошлиган ишларни жадал давом эттириши ва янги, замонавий босқичга кўтариши мақсадида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши йили”, деб ном беришини тақлиф этди.



2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражасада ривожлантириши ва ислоҳ этиши бўйича кенг қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- Боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказиш зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.
- Тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади.
- 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.
- 2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.
- 2020 йилги ўқув йилидан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.
- Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз. Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилди.



- Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.
- Олий таълимда ўкув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиши муддати 3 йил қилиб белгиланади.
- Олий ўкув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз.
- Жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади.
- Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган “IT-парк” барпо этилмоқда. У ҳозирданоқ ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай “IT-парк”лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистан ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади.
- Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **“Рақамли Ўзбекистон – 2030”** дастурини ишлаб чиқишини икки ой муддатда якунлаш лозим.

Бугунги кунда ёш авлод қалбидар Ватанимиз тақдирива келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссени ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган бир қатор таълим – тарбиявий ишлар, ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқдаки, зеро бу албатта тез кунларда ижобий самарасини беради.



Эътиборингиз учун
ташаккур!

